

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАКУЛЬТЕТИ
ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ
КАФЕДРАСИ**

Юнусхон Рахматуллаевнинг

*“Шайх Нажмиддин Кубро асарларидаги
сўфийликка оид айрим сўзлар маъноси”
мавзусига*

ИЛМИЙ МАҚОЛА

НАМАНГАН-2017

ШАЙХ НАЖМИДДИН КУБРО АСАРЛАРИДАГИ СЎФИЙЛИККА ОИД АЙРИМ СЎЗЛАР МАЪНОСИ

Ю.РАҲМА ТУЛЛАЕВ (НамДУ катта ўқитувчиси)

Шайх Нажмиддин Кубро (1145-Ш1Й.Й) XII аср тасаввуфининг энг ёрқин ва энг улуғ намояндаларидан биридир. Камолотга эришув йўли бўлмиш сўфийликнинг ривож топишда унинг роли ниҳоятда буюк бўлган. Номи тириклигидаёқ етти иқлимга маълум бўлган хазратнинг тўлиқ исми Аҳмад бинни Умар Абулжаноб Нажмиддин ал-Кубро ал-Хивакӣ ал-Хоразмӣ бўлиб 1145 йилда Хива яқинидаги, ҳозирги, Саёт қишлоғидатуғулган.

Ўз замонасида илму урфонда Шайх Нажмиддин Кубро хазратлари билан беллашадиган бирорта олим бўлган эмас. Шу боис хам у кишига Кубро номи берилган. *"Кубро"* сўзи арабча бўлиб улуғларнинг улуғи, энг катта деган маънони билдиради. Бу ҳақда бобомиз Алишер Навоӣ *"Насойим-ул муҳаббат"* асарида бундай таъриф этган: *"Аларга Кубро ондин лакаб бўлдики ҳар ким бирлаким мунозара ва мубоҳаса килсалар эрмиш ул кишига голиб бўлурлар эрмиш "*. Мана шу фикрлардан шайх хазратларининг қандай инсон эканлиги равшан бўлиб турибди.

Шайх Нажмиддин Кубродан тафсир, ҳадис, тасаввуф ва бошқа масалаларга оид кўп асарлар мерос қолган. Бироқ замона зайли билан хазратнинг кўп асарлари бизгача етиб келмаган. Бизгача етиб келганлари қуйидагилардир: *"Рисолат-ун фис-Сулук"*, *"Рисолат-ун турук"*, *"Тавол-ит таънис"*, *"Фавотих-ул жамол"*, *"Ҳидоят-ут толибин"*, *"Айн-ул ҳаёт"*, *"Рисолаи Нажмиддин"*, *"Ал-усул ал-ашара"*.

Уларнинг орасида сўфийликнинг асосий тамойиллари ҳақидаги *"Ал-усул ал-ашара"* машҳур бўлиб, Исмоил Ҳаққи Бурсавӣ томонидан усмонли туркчага таржима килинган ва 1840-йилда Истанбулда чоп этилган. Бу китоб юз йиллар давомида ғоят кимматли дарслик бўлди. Мазкур асарда Аллоҳ таолога етишмок истагида бўлган ва бу йўлга кирганлар учун ўн та асос - тамал борлиги кўрсатилиб, таърифлаб берилган. Булар қуйидагилардан иборат:

1. Тавба. 2. Зухд. 3. Таваккул (яъни қалбни ҳар ишда Аллоҳ измига топириши). 4. Қаноат. 5. Узлат. 6. Давомли зикр. 7. Таважжуж (яъни ўзини тамоман Аллоҳ таолога топириши). 8, Сабр. 9. Муракаба (яъни нафсни тийиши). 10. Ризо (яъни нафс хуружларидан кечмок ва аллоҳ таолонинг ҳукми - иродасига розилик).

Тавба-кубравия тариқатида барча амалларнинг ибтидоси. Ўз гуноҳларини англаш. Аллоҳ. олдида тавба қилиб, эзгулик, яхшилик оstonасидан хатлашни, хулқни ўзгартиришни билдиради.

Зухд—инсон ўзини Аллоҳдан узоқлаштирувчи барча нарсалардан йироқлашиши, ҳаромдан ҳазар этиши, ҳалоллик, поклик унинг учун асосий амалга айланади. Хою-ҳавас, кийим-кечак, аёл, яъни барча ўткинчи истаклардан воз кечилади.

Таваккул - ўй-фикр, иш-амалда фақат Аллоҳга суянишни билдиради. Бу босқичда инсон фанийлигини англайди. Абодият Аллоҳга интилишда, Аллоҳга етишишда эканлигини тушунади. Бироқ Кубро таълимотида таваккул фаолиятсизликни, меҳнатдан воз кечишни англамайди. Солиҳ ҳаёти давомида лозим даражада меҳнат қилишни ундан ортиқчасини эса меҳнат қилишга қодир бўлмаган мухтожларга бахшида этмоғи лозим.

Қаноат-инсон руҳи билан жисми ўртасидаги курашда тана талабларини енгиш, руҳиятни юксалтириш босқичидир. Бориға, энг озига ҳам қаноат қилиб, инсонни инсон сифатида намоён қиладиган гўзал фазилатларни кўпайтириш бу босқичнинг асосий талабидир.

Узлат-инсон руҳан покланиши учун табиий равишда узлатга чекинади. Солиҳ ёлғизликда ўз менлигидан кечиш, Аллоҳ ишқига фарқ бўлиш даражасига етиб боради. Узлат одатда сўфийларнинг қирқ кун мобайнида чилла ўтириши билан амалга оширилган.

Зикр-сўфийлар зикрга яъни ҳамиша ва ҳар ерда Аллоҳ номини ёд этишга катта эътибор берганлар. Доимо Аллоҳ номини зикр этиш билан сўфий қалби илоҳий нурга тўлган. Зеро, Куръонда айтилганидек, Аллоҳ бизни эслаши учун, биз доим уни ёдлашимиз лозим. Кубро муридлари зикр пайтида мусиқа оханглари остида, ашула айтиб, рақс тушишган, ошиқона нола қилишган.

Бунда зокирнинг ўнг кўли тепага кўтарилган, чап кўли пастга туширилган ҳолатда бўлиб, ҳар иккала кафт очик турган.

Таважжух-солих, доим ўзи билан ўзи, нафс хуружларига курашда тобланиб боради. Бу курашда сўфий Аллохдан ёрдам сўраб, калбан унга боғланади.

Сабр-сўфийнинг эътиқоди, ниятини синаш йўли. Ҳақ йўли машаққатли, бу йўлда илгариламоқ учун турли кийинчиликларга, нафс хуружларига бардош бермоқ лозим. Сабр босқичини босиб ўтган киши насиб бўлган неъматларни ҳам, бошга тушган машаққатларни ҳам бирдай қабул қияди, кеккаймагани сингари, руҳан тушкунликка ҳам тушмайди. Бу босқичдан ўтган сўфийнинг иродаси метиндай бўлиб, уни синдириш ҳам мумкин эмас.

Муурокаба - юқоридаги босқичлардан муваффақият билан ўтган киши руҳан ва жисман осойиш топади, энди у кузатиш, тафаккур босқичига ўтади. У тафаккур оламига шўнғиб, Аллоҳ жамолини тасаввур эта олади. Бошқаларга ёпиқ бўлган ғойиб яъни сирлар эшиги энди унга очилади.

ризо-тариқатшиг охирги босқичи бўлиб, сўфий Аллоҳ марҳамати ва куч-қудратини чуқур ҳис қилади. Ҳақ оламига ғарк бўлиб, чексиз лаззат кучоғида бўлади, энди унга ҳақиқат эшиги очилади. У Аллоҳга, Аллоҳ унга яқинлашади. Бу ҳолатда сўфий тақдирнинг ҳар қандай зарбаси олдида хотиржам, у ҳатто хафагарчилик, ранж-алам нима эканлигини билмайди ҳам.

Хуллас, Шайх Нажмиддин Кубро ва унинг авлодларга қолдирган бебаҳо мероси билан танишиш, уларнинг ғоявий мазмунини англаш асарларида қўлланган луғавий бирликлар - сўзлар маъноларини билиш ва тушунишдан бошланади.